



Тинчлик истамайди жонсарак калбим,
Мудом эмас танда бир хил харорат.
Хаёл тиним билмас, туролмайди жим,
Юрак ҳам тополмас тўзим-халоват.

Кечиккан ёшликнинг дардини туйиб,
Мўжаз дунёимни безайди хазон.
Хаёт шаробидан ичолмай тўйиб,
Таркатдим ё сотдим сувдан-да арзон.

Лабларда табассум, ўзгалар хурсанд,
Бахтини топишган аллакашонлар.
Уларнинг юзида кувончни кўрсам,
Бахрим очилади, яйрайди жонлар.

Биридан олганман завкланиш хиссин,
Яна бошқасидан жиндеккина гам.
Кимдир такдим этган хурлик нафасин,
Шундан, мана, тирик вужудим, танам.

Такдирим жуда ҳам мохир тикувчи,
Ундаги Одамлар барча-барчаси.
Бир бутун матони ташкил этувчи,
Сермазмун умримнинг битта парчаси

Куз...
Калбда кандайдир жимлик ўй сураб,
Мудраб колгандайин хаёт севгиси...
Деразам ортидан уйимга қарар
Кўчада баргларнинг хазонрезгиси.
Кўёш узоклашиб борар заминдан,
Учиб кетаётган қушлар сингари.
Кундуз киска бўлиб боради тундан
Дарахт либос ташлар кун ўтган сари.
Сойлар шаркирамай окмокдадирлар,

Тоглар хохламайин кутади корни...
Сарикликни кийган кўхна адирлар,
Лолани согиниб кўмсар бахорни.
Тонг билан туш вақтни ажратиш кийин.
Хаёлим мисоли тўзгир ер-осмон.
Шамол олиб келган губорни кейин
Ёмгир ювиб кетар аллақай томон...
Лекин кетармикин бу билан гашлик?
Кўнгил махзунликка бўлганми сургун?
Ахир ганиматдир бебахо ёшлик,
Кетдик, калб, истикбол тарафга юргин!

Атрофни эгаллаб олгани етмай,
Дилга хам хазинлик келтирмоқда куз...

Кетяпман келажак остонасига,
Кўлда дард туфайли саргайган дафтар
Кетяпман тақдирим кошонасига,
Яшаган кунимдан бўлиб минг мустар...

Кетяпман...
Ортимга карагим келмас,
Йўлимда гам-ташвиш – сочилган тикон.
Хаёт тўсиклари асло кор қилмас
Изимдан изтироб йигляпти кон...

Кетяпман, узокка... бироқ ёнимдан
Оккан сув кадрини билмасдан, забун...
Исмим хам чиккандек бўлар ёдимдан,
симга солади илохий бир ун.

Кетяпман...
Бахорни ташлаб фиروقка,
Ва сенга айтмасдан бирор огиз сўз...
Кетяппан бу ердан жуда йирокка,
Шерикка олмасдан бирота хам дўст...

Кетяпман, сўргани умр – бу нима?
Сочимга ок нега оралар бевакт...
Билгани ёлгоннинг уйин ким курган?
Не учун мухтасар келар экан бахт...

Кетяпман...
кўзларим очик бўлса-да,

Кўрмасдан ёнимдан ўтган одамни.
Колдириб ортимдан бир мисра шеър,
Ёлгонга кўмилган нурсиз оламни...

Кетяпман...

Узок бир нуктага термулганча жим
Мўйсафид ногахон кўзларин ёшлар...
“Замон ўзгардимиз, одамлар... балким...
Не учун бебошрок хозирги ёшлар?

Билмайди, оддий бир “салом” сўзини,
Кўллари кўксининг висолига зор.
Уялиш тарк этган чакнок кўзини,
Маънисиз сериаллар айлаяпти хор.

Китоб дунёсидан йироқдир улар,
Навоийдан битта сатр билмайди...
Кизиқиб асарлар ўқишмас тунлар,
Насихатга асло кулок илмайди...

Вакт бекор ўтгандан ачинмайди ҳеч,
Аник максадидан йўқдир нишона...
Тушунар эканми бўлганини кеч,
Деворга урилган чоғда пешона?...

Узок бир нуктага термулганча жим,
Мўйсафид кўзлари тўлади ёшга
Чин дилдан истайди, имконин топиб,
Айлашни насихат ҳар битта ёшга:

“Ёшсан...
Кувватинг бор...
Шижоат бисёр...
Билим ол!
Илм ўрган!
Оллохни тани!
Калбингни пок айла, бўлмасин губор,
Эгам ҳам, ҳақ йўлда кўллар бандани...

Жигарим!
Авлодим!
эртам, индиним!
Имонни бут айла,
Эътикодни дўст!

Миллатнинг шаънини бошинга кўйиб,
Шу Юртга муносиб фарзанд бўлиб ўс!"

Мўйсафид узокка термулар, бесас...

Ўзбек кизлари...

Рўмолни бозорда сотмай кўйишди,
Излайман совгага зарур кезлари.
Ё балки нархими шунчалик ошди?
Нега такмай кўйди ўзбек кизлари?

Катталар хурматин айтмайин майли,
Ерга карашни ҳам билмас кўзлари
Сакичин эринмай чайнайди кулиб,
Каёкка кетяпти ўзбек кизлари?

Каерда юрмасин хаёлда сериал,
"Упа-элик, кийим..." - шулдир сўзлари.
Билимга, зиёга хаттогина сал,
Кизикмай кўйишди ўзбек кизлари.

Терс жавоб кайтарар, нени сўрсангиз,
Уятдан кизармас гулгун юзлари.
Тарбия сўзидан йўк бирон бир из
Шаддодрок чикдими ўзбек кизлари?

Сахарлар кўймайди ўсма қошига,
Ховлидан келмайди райхон ислари.
Каломи мос эмас асло ёшига,
Мозийни эсламас ўзбек кизлари...

Балки танкидларим , ранжитди бироз,
Хурмат этгум, албат калбнинг хисларин.
Гапларим барисин этманг эътироз,
Чини ҳам бор жиндек, ўзбек кизлари.

Йўк, аввали Оллох инсофни берсин,
Кўзимга суртаман босган изларин
Хаё, ибо, иффат, одоб дунёсин,
Кайтадан забт этса ўзбек кизлари.

...Рўмолни бахона килдим, аслида,
Аччикрок туюлар дўстнинг сўзлари
Миллатнинг шаънини тутмок васлида

Уни калбга ўранг, ўзбек кизлари!

Ёлгизоёк йўлда хоргин, ўй суриб,
Барча хўрликларни дилдан олиб тан,
Хакикат шахридан кадамин буриб,
Тубанлик сорига кетмокда Ватан.

Гарданда юк катта... Паймонаси лим,
Ортига карашга юрак бетламай,
Танбех, хакоратга кулок солиб жим,
Хар онда заққумни ютмокда Ватан

Уфк-чи, ҳеч кўринмас....Хукм сурар тун,
Кок сахро бозорга айланмиш, хайхот!
Сотувчи – фирибгар, харидор - малъун.
Кадрини арзонга сотмокда Ватан

Гуллашни ўрнига, хар бахор сўлиб,
Томирдан бир катра сув хам келмасдан,
Факат Яратгандан умидлар килиб,
Хакикий эгасин қутмокда Ватан

Сен кимсан?
Ҳеч ҳисоб бердингми ўзинг
Хакка - Яратганга...ё виждонингга?
Ё соков бўлишга килдингми қарор?
Тегдими олам гамлари жонингга?

Сен Кимсан?
Туну кун тиним билмасдан,
Ишлайсан ўқийсан одамийликка.
Баъзида илож йўқ кўзни юммасдан,
Баъзан хакикатга бокасан тикка...

Сен кимсан?
Тарихинг йиглайди ортдан.
Чанг босган китоблар айланди гунгга.
"Зиё" каломи хам рангин йўқотган,
Оналар алласи айланди мунгга.

Сен кимсан?
Аёлни чиқариб бозор,

Орни хам бир йўла тухфа этдингми?
Ёки даюсларга эгилиб хазор,
Номус дунёсидан чикиб кетдингми?

Сен кимсан?
Тарбия аталмиш конун,
Кўлланма бўлмайдиги ўғил кизингга.
Шунчалар маккорми нахотки, шайтон?
Хатто тик карайди фарзанд кўзингга...

Сен кимсан?
Кўлингга куръонинг борми?
Калбингга бахт нури - имонинг борми?
Сени кийнамасми миллат тақдири?
Айт!
Жавоб бер саволга!
Забонинг борми?

Сен кимсан?
Ўзингга бердингми ҳисоб???

Захар окар томирим узра,
Нафасимни сикади хаво.
Рухим, билмам, кайларда кезар,
Ўз дардига тополмай даво...

Ўз ўзимни кўйдим унутиб,
Нафсу, бойлик билан йўқолдим...
Бу дунёнинг кўлидан тутиб,
Гуноҳларга ўралиб колдим...

Дунё ташвишларин зумга унутиб,
Тикилмок истайман оппок сахарга,
Ва шу он вужудда урган тугённи,
Хаттоки алишмам дунё жавхарга.

Тингламок кўмсайман сокин тун сасин,
Ойдинда орзулар тиламок дилдан.
Чин калбдан туяман баҳор нафасин,
Шундан, хаётимни севгум кўнгилдан.

Калбим кийналади...
Тинч турмайди жон,
Хаволар етишмас нафас олгани...
Эриниб окади
томиримда кон,
ичимдан сезаман юрак толганин...
Сахрода сувсаган мухожир мисол,
зўрга кадам ташлар
кўкракдги мушт.
Гунохга кўмилган танамни алхол,
тортиб бораяпти ўйчан ва хомуш...
Алам кемирмоқда умрим дарахтин,
хазин куй чалади дилда изтироб...
Бир зумга кўз юмиб,
олмок бўлсам тин
минг турли ўйларим
беришар азоб...
Кейин...
топгандаяман дардимга даво,
май тўла шишани шошиб очаман...
(Не кипти, нафасга етмаса хаво?)
Сахаргача тўйиб-тўйиб ичаман...
Ичаман сипкориб...
куяман яна,
пиёла кўлимдан тушмайди бир он,
атроф ёришганда, нурдан ўртана,
кўзимга бошқача
кўринади тонг...
Танам осмонларда учиб,
Нурафшон куёшнинг
нурларини жо килиб олди
Ва кийнок сўзини унутиб бу жон,
Азобу изтироб буткул йўколди...

Рухим танхо колгандай гўё...

Хар бошда чарх урар турфа муаммо,
Хар кўнгил хошишда ўзгача маъно...
Билмадим, кимлардир ёктирар, аммо,
Мен бозорни жуда ёмон кўраман.

Билмайман, ким дўсту, ким эрур душман,
Бировга ўлжаман, кимга улушман,
Бозордан йироқда хур, эркин кушман,
Мен бозорни жуда ёмон кўраман.

Ким айтар, "шу экан замона зайли",
Кас нокас бўлди-ку, замон туфайли,
"Отанг, онанг бозор," десинлар, майли
Мен бозорни жуда ёмон кўраман.

Ажаб, бешигини шайтон аллалар,
Тутруксиз гаплар-у, ёлгон яллалар,
Залолатни кўпроқ ўйлар каллалар,
Мен бозорни жуда ёмон кўраман.

Кўзга тик карашиб, алдайди сизни,
Сўкишлар, каргашлар ол этар юзни,
Хуллас инсоният унутар ўзни,
Мен бозорни жуда ёмон ко раман.

Халол лукма нима, билмас кўпчилик,
Харомни номлашар - бу "тирикчилик"
Рахмонмас, шайтонни айлашар шерик,
Мен бозорни жуда ёмон кўраман.

Шарм йўк, хаё йўк пулнинг дастидан,
Окибат бир чака емиш касдидан,
Ёлгон онт ичишар чака устидан,
Мен бозорни жуда ёмон кўраман.

"То рози" ҳукмидан кўнгиллар нари,
Кўз ўйнар тарози тоши сингари,
Алдашга интилар ҳам ёш, ҳам кари,
Мен бозорни жуда ёмон кўраман.

Ерга карасангиз, кўзи маюслар,
Осмонда эса-чи, "магрур" даюслар,
Тик бокишга йўл бермас номуслар,
Мен бозорни жуда ёмон кўраман.

Разолат ҳукм этган маконлар кўпдир,
Бири бошқасидан ўтадир, хўпдир,
Бунда-чи, барчаси, барчаси тўпдир,
Мен бозорни жуда ёмон кўраман.

Гарчи корани-да, кўрсатади ок,

Пок калбдан канчалар бўлса хам йирок
Таажжуб... дунё унга интилар!?
Бирок,
Мен бозорни жуда ёмон кўраман.

Хаммамиз хар куни шошилиб борган,
Лойини жахолат хокидан корган,
Аёлу-эркакни бузиб юборган,
Бозорни жудаям ёмон кўраман.

Жудаям жудаям ёмон кўраман!

Ишк хидидан бўлиб девона,
Кўклам исин туйдим ўртаниб.
Ва Оллохга айтдим шукрона,
Ватанимга келганда бахор

Бойчечакни олиб мўйсафид,
Кўзга суриб олади мадор.
Гўзалликка бўласиз шохид.
Ватанимга келганда бахор

Кизлар ясар сочпопук толдан,
Кушлар сайраб тоймайди холдан,
Бўлинг энди фориғ хаёлдан,
Ватанимга келганда бахор

Маюс термуламан; кузак шамоллар,
Хазонрезги баргни айлар чирпирак.
Чалкашиб кетади орзу-хаёллар,
Ва бирдан йиглашни бошлайди фалак.

Олислаб боради кушлар жаранги,
Калбимдек хирадир осмоннинг ранги,
Умримнинг бошланди яна бир тонги,
Субхидам нафасин туймайди юрак.

Кайдадир чалинар “Чўл Ирок” куйи,
Теграмда чарх урар келажак ўйи,
Барглар тўкилмоқда саргайган куйи,
Дардини айтолмай жони минг халак.

Шудрингдан намланар томларнинг ости,
Яшилни сариклик уммони босди,
Сикилиб кетибсан, сўйлагин ростин,
Кайларда бўзладинг, малласоч малак?

...Хисларим хазон-ла уйгун: бемажол,
Само ковок уяр, куёш ҳам бехол...
Йўколиб бормокда кўкдаги хилол,
Меҳрга ташнадир у ҳам мен каби...

Маюс термуламан кузак шамолга...

Куз нафаси хаёл айлар паришон,
Бошимни чулгайди турфа сўроклар.
Согиниш хиссидан беради нишон,
Эриниб узилган хазон япроқлар.

Кўриниш бермайди, кийнайди дилим,
Парда ортидаги согинч шарпаси.
Балки шу дакика топарман йўлим,
Балки хозир тўхтар юрак зарбаси.

Дарахтлар мен каби титрар нажотсиз,
Ва куёш нуридан топишар илинж...
Мен-чи, умидсизман, кўнглим саботсиз,
Ёт бўлган туйгулар: кувонч ва севинч.

Тушунмам ўзимга; ўздамас хушим,
Тушимда ўнгимдек бўлиб коламан.
Ва кейин кийналиб, тўлганиб тунда,
Тушимда тўсатдан ўлиб коламан...

Билмам... сабаб кузми ёки...ишксизлик.
Дардимга бўлмайди ҳеч нарса малхам.
Ўтиб ҳам бормокда бекарор ёшлик,
Хамонки бахт учун ёкмадим бир шам...

...Эҳ, бу хаёл курсин, нималар дедим?
Бунча тушкунликка солибман ўзим?
Балки каердадир ўйланганча жим,
Кимдир калб изхорин пичирлар менга...

Хаёлим паришон кузнинг дастидан...

Менга канот беринг, халким дардларин,
Олиб бориб ташлай тоғлар ортига.
Рутубат хукм этган тунларнинг барин,
Йўлатмай яшайин мардлар юртига.

Менга канот беринг. Эркин куш мисол,
Жаннатдек богларим кўз-кўз этайин.
Элимга жилмайса кўкдаги хилол,
Минг йиллик орзулар рўёси тайин.

Канот беринг, учай, Ўзбек ойим хам,
Хузурига мени чорлар куюниб.
Бугунги ўзбегим кизин тарбия
Этмоклик истагин айтар суюниб.

Бесалом, бесавод ёшларга караб,
Мўйсафид хўрсиниб силкитар бошин.
Гамингиз берингиз менга отажон,
Дунёлар кўрмасин кўзингиз ёшин.

Канотга мухтожман, Ватаним каби,
Аждодлар рухлари бизларга хамрох.
Бизларким – улуглар насл-насаби,
Букун осмонлардан излаймиз панох.

Дафтарим четида галат хошия;
Эслай ололмайман нега кўйганим.
Бир кувнок кунимдан балки хотира?
Балки белгисидир илк бор севганим?

Балки дўстларимнинг аччик хазилин,
Хазм кила олмай кўйганман уни?
Балки хаётимнинг силсиласини,
Ўзгартирмок бўлган мақсадим куни?

Илк бор қаршилиқдан умидсизланиб,

Хаётдан тўйганим нишонидир у?
Ё келган омадимданми, рухланиб,
Ифодалаб кўйган бир ажиб туйгу?

Дафтарим четида бу галат чизик.
Не бўлса хам уни эслаб юраман.
Ширин орзуларим рўёсин тузиб,
Факат бахтдан дея умид киламан

Бахор гулларига киламан хавас,
Жамалак сочларга такишса кизлар.
Бахор гулларига киламан хавас,
Тўйиб хидлаганда юзи кирмизлар.

Бахор гулларига киламан хавас,
Келинчак мисоли безанган гўё.
Ок харир либос, у - ипақдан эмас,
Кўкламой кўлида яралган зиё.

Бахор гулларига киламан хавас,
Оламини тўлатар муаттар ислар.
Мусаффо хавода оламан нафас,
Жунбушга келади яширин хислар.

Бахор гулларига киламан хавас,
Кўзларга бир фарах бахш этади у.
Ва кўнгил розига ҳеч бўйин эгмас,
Юрак туб-тубидан отилган туйгу.

Бахор гулларига киламан хавас,
Ифори таркалар йирок-йирокка.
Мўйсафид кўзига суртганича жим,
Шукрона айтади яратган Хакка.

Бахор гулларига киламан хавас,
Бахтлидим ўхшолсам уларга шояд.
Юз минглаб дилларга шодлик улашиб,
Сўнг кетсам хаётдан, розийдим гоят.

Бахор гулларига киламан хавас...

Жимжитлик...

Жимжитлик. Тун ойдин. Хаво мусаффо,
Кечаги кор сабаб Дарахтлар оппок.
Гўзаллик ошино мургак калбимга,
Уйкусиз тун берар ўзгача марок.

Жимжитлик - тун бирла уйгун тасаввур,
Шу сабаб асаблар бироз олар тин,
Кун бўйи инсонни кийнаган ташвиш,
Не ажаб, тун сабаб ростлар нафасин.

Жимжитлик.
Калб хамон тиним билмас лек,
Нимадир тирнайди, бермайди тинчлик,
Талпиниб танамга сигмайди сира,
Юрагим,вожаб, тура олмас тек.

Жимжитлик. Атрофдан эшитилмас сас,
Овозсиз йиглайди сон мингта юрак.
Хоргин хислар ила олса-да нафас,
Жимжит эмас экан диллар жонсарак.

Жимжитлик ўтади.Ўткинчи бу тун,
Умидлар рўёси эртанги кундан.
Факат бир тилагим: эртанги куним,
Жимжит бўлмаслигин сўрайман сендан.

Жимжитлик. Тун ойдин. Хаво мусаффо,
Кечаги кор сабаб Дарахтлар оппок...

Ўзбек Ойимга...

"Киярмиди Ўзбек ойим эгнига кора?
Гар фарзандлар бир-бирларин захарламасалар"
ТохирМалик

Нечун хомуш тортасан бугун?
Кипригингда икки томчи ёш?
Хаёлинг хам паришон, забун,
Бунда нега балкмагай куёш?
Эгнингга сен кийибсан кора,
Кимга яна мотам тутасан?
Фарзандингни ўйлаб сен зор-а,
Качонгача уни кутасан?
Отабегинг кайдадир ёниб,

Хакикатни излаб юрибди,
Тошкентга лек ўтмагай кўниб,
Чунки Кумуш кабри турибди.
Гарчи Сенга ботса-да огир,
Айтиш менинг бурчи халолим,
Ўглингни сен кўрмайсан йиллар,
Кўрингунча кўкда хилолим.
"Зайнаббегим" хар кун кошингда,
Телбалигин килади кўз-кўз.
Шартми, ахир, Сенинг ёшингда,
Душманингга гапирмок бир сўз.
Кора кийиб, азадор бўлиб,
Доглармидинг шу улуг дилни?!
Фарзандларинг бир- бирларига,
Бермаганда захри котилни??!!!
2003

Яна Ўзбек ойимга...

Кишан кийма бўйин эгма,
Ки сен хам хур тугулгонсен...
Чўлпон
Бахтиёр кўрмокни истадим сени,
Кутиб яшаяпман неча замонлар.
Шукрки дунёда тирикдир инсон,
Борлиги туфайли сендек аёллар.
Сен борки - умидлар сира ўлмайдди,
Сен сабаб - гамларни ичга ютамыз.
Сен хаёт - сабабсиз кон тўкилмайдди,
Куёш чараклашин дилдан кутамамыз.
Кутамамыз юртимга келишин бахор,
Бодом гулларига кўнгиллар интик.
Кутамамыз зулматда келишин сахар,
Кутмасак - не бордир яшашдан мантик?
Мантик излагувчинг - фарзандларингмиз,
"Излаган топади" - бу кўхна оят.
Биз, билсанг, кўзларда ёркин нурунмиз,
Коронгу хисларга этди ниҳоят...

Калбим фарёди

Ёшлигимдан шу менга одат,
Кузатаман куёш чикишин.
Хар кун тонгда тоғлар ортидан,
Офтобимнинг бош кўтаришин.

У калбимга солиб зиё-шуур,
Юксакларга мени етаклар.
Юракларга багишлаб сурур,
Очажакдир дилда чечаклар.

Нимагадир кўп кундан бери,
Кўкда шамсим чаракламайди,
Юзин тўсган кора булутлар,
Ортидан у яракламайди.

Тоглар устин коплаган булут,
Кўланкаси хамон кетмайди.
Дилим гашлаб, кўзларим ёшлаб,
Висолига хеч йўлатмайди.

Нурсиз колди калбим кўчаси,
Киё бокмас унга одамлар.
Кундузлар хам мисли кечаси,
Босолмайман шахдам кадамлар.

Эй, калбимнинг мудрок овчиси,
Булутларни хайдагин кўкдан!
Бир умрлик шеърим куйчиси-
Куёшимни куткаргин ундан!

Орзикади уни кўрмокка,
Симобдаин типирлар кўнгил.
Качон уни яна кўраман ???
Тонгда туриб, тўлкинланар дил???

Кафасдаги куш ноласи

Олтин кафас менга керакмас,
Туткин нафас меҳрим тўлатмас,
Гулгун хавас дардим кулатмас,
Каердасан, мусаффо осмон?

Нега керак анвойи гуллар?
Ўртар юрак, орзикиб диллар,
Мовий фалак истар кўнгиллар,
Юлдузларим кани нурафшон?

Сайраш калбга бермагай ўтинч,
Яшаш -- факат нолаю ўкинч,

Кураш нахот ўтмас сира тинч,
Озодлигим кўраман қачон?

Корним кўйгин, майли, оч-нахор,
Келмасин мен туфайли бахор,
Чангалзорда бўлайин хор-зор,
Факат эрким бўлсин бегумон.

Ардоклама, майли эт нафрат,
Килма ҳеч ҳам жонимга шафкат,
Ўлимга ҳам тайёрман. Факат-
Эрк умидин сўндирмасанг бас...

Ўзга дунё кидириб...

Ўзимнинг оламим бир четда қолиб
Ўзга дунёларда яшамокдаман.
Гох узок қоламан ўйларга толиб,
Нимага қайтмайман ўзимга ҳамон?

Турли сарҳадлардан турфа дунёлар,
Янада сирлироқ кўринар қалбга...
(Бир юлдуз чакнаса бири йўқолар)
Кўнгиш хошишини буюрманг айбга.

Аждодлар юртига кетаман гоҳи,
Бир миллат хақида ичдан қуяман.
Букун ёшларининг нима гуноҳи,
Барини бир зумда дилдан туяман...

Улар чун Навоий бегона бир зот,
Хайёмдан рубоий ўқишмас тунлар.
Фузулий газалин этишмайди ёд,
Машрабни осгандан сўрашмас хунлар.

Чўлпон, Қодирийдан топишмайди ранг,
Муқимий Фуркатни эслашмайди бир.
Китоб қўлга олмас, минг сўқиб, терганг,
Барига айбдор “бечора тақдир”...

Келажак авлодлар олами томон,
Кейин хоргин тарзда юраман хафа.
Менга дуч келади сўнгсиз оломон,
Четрокка чикаман айни шу даъфа.

У асло халк эмас – бир гурух, бир тўп,
Кайга етакласа, кетар максадсиз.
Уларга бокаман сикилиб, ёниб,
Кўркаман, колмаса саводсиз, хатсиз...

Хакикат изласам айбдорман бугун,
Маломат тошлари “келар” номимга.
Шундан ўзим маюс, кўзларим гамгин,
Шундан кайтолмайман ўз дунёимга...

Ёмгир...куз барглари ювилиб кетар,
Саргайган юзларнинг эшитиб охин.
Гўё ёмонликнинг куни хам битар,
Авф этиб одамзот килган гунохин.

Ёмгир шаррос куяр; хамма хар томон,
Минг турли ўй билан югурар, шошар.
Дунёнинг ишлари тугамас хамон,
Ташвишу гам билан тинмайди башар.

Ёмгирга фарки йўк...аямай ёгар,
Охири йўкдаин осмон уммонин.
Она ер хўрсиниб олар багрига,
Инсоннинг калбидан барча ёмонин...

...Ёмгир бор – инсонлар йиглар дилидан,
У сабаб калбларда мангу мухаббат.
Эзгулик ошино шодон кўнгилда,
Ёмгир кайфияти яшасин абад...

Куз...
Калбда кандайдир жимлик ўй сулар,
Мудраб колгандаин хаёт севгиси...
Деразам ортидан уйимга қарар
Кўчада баргларнинг хазонрезгиси.
Кўёш узоклашиб борар заминдан,
Учиб кетаётган кушлар сингари.
Кундуз киска бўлиб боради тундан
Дарахт либос ташлар кун ўтган сари.
Сойлар шаркирамай окмоқдадирлар,
Тоглар хохламайин кутади корни...
Сарикликни кийган кўхна адирлар,

Лолани согиниб кўмсар бахорни.
Тонг билан туш вақтни ажратиш кийин.
Хаёлим мисоли тўзгир ер-осмон.
Шамол олиб келган губорни кейин
Ёмгир ювиб кетар аллакай томон...
Лекин кетармикин бу билан гашлик?
Кўнгил махзунликка бўлганми сургун?
Ахир ганиматдир бебахо ёшлик,
Кетдик, калб, истикбол тарафга юргин!

Атрофни эгаллаб олгани етмай,
Дилга ҳам хазинлик келтирмоқда куз...

Ичаман, куй майдан бўлайин сармаст,
Дардларим тарк этиб ором олайин.
Калбимда колмасин заррача араз,
Факат ўзим билан ёлғиз қолайин.

Ичаман, вужудим ёнмоқда шу дам,
Ўртаниб, танамга сигмайди рухим.
Сезмайман ҳеч нарса; юмук кўзлар ҳам,
Унутдим гуссаму, гамим, андухим.

Ичаман тўйгунча, яшаб чарчадим,
Токи шароб сабаб бироз олай тин.
Ажралиб бутунлай барча-барчадан,
Майнинг ишки билан охир ўлайин.

Ўлсам...безовта ҳам бўлмайман бошка
Балки ҳеч ким келмас холимни сўраб.
"Яшамаган", - деб ёз кабрим тошига,
Кузатгин "ишк" деган кафанга ўраб!

Сўнган оловларни ёкмок ишкида,
Юрагим чакмотош каби ишкалаб,
Кимсасиз оролнинг баланд кўшкида,
Келмас ёр васлини кутиб ўтдим мен.

Хазонрезги куздек паришон хаёл,
Атрофда минг одам...Карайман бефарк,
Барчага табассум килсам-да хиёл,
Дардларим ичимга ютиб ўтдим мен.

Тонг сахар кўл очиб, минг килиб дуо,
Ўзимни унутиб, йиглаб, хўрсиниб,
Кўзимда бор меҳрим дилдан этиб жо,
Калбимни кўлимда тутиб ўтдим мен.

Танамда колмади заррача мадор,
Силлам ҳам куриган... Умид бор факат
Имоним ўзимда тутиб баркарор,
Бошқасин арзонга сотиб ўтдим мен

Сикилиб, дардлардан бўлганда махзун,
Йўқолиб кетганда умид хисларим.
Бўлса тор йўлларим узундан-узун,
Мени ёлғиз қўйманг, азиз дўстларим.

Армонлар дилимни тирнаган онда,
Дунёлар эшитмас бўлса сўзларим.
Меҳрга ташна бу фоний жахонда,
Мени ёлғиз қўйманг, азиз дўстларим.

Хаётдан гўзаллик истайман холос,
Олтин тоғни хавас қилмас кўзларим.
Хар қачон, хар жойда Сиздан илтимос,
Мени ёлғиз қўйманг, азиз дўстларим.

Сиз сабаб ногахон омадим кулса,
Офтобдек чарогон этса юзларим.
Мўъжаз бу юрагим кувончга тўлса,
Мени ёлғиз қўйманг, азиз дўстларим.

Хаммамиз отлансак бокийлик томон,
Калбларни безаса эзгулик иймон,
Жаннат гўзаллигин хис қилган замон,
Мени ёлғиз қўйманг, азиз дўстларим.

Дўстлар мусибатда ёнингга келмас,
Ёринг азобларинг дилдан хис қилмас,

Олами бокийда хеч тенги бўлмас.
Дуо олганлардан дуо ол, болам.

Дунёнинг ташвиши адо бўлмайди,
Хеч кимса сен учун фидо бўлмайди,
Дуо олган шох-ки, гадо бўлмайди,
Дуо олганлардан дуо ол, болам.

Фано хаммамизга азалий қисмат,
Кимга мансаб керак, кимгадир хурмат,
Конимиз жон эмас, жондир охират,
Дуо олганлардан дуо ол, болам.

Якинлар омонат, ошно омонат,
Омонатга асло этма хиёнат.
Зиёни улашиб яшаш матонат,
Дуо олганлардан дуо ол, болам.

Яхшилик бошингда яркираган тож,
Ёмондан саклангин, ёмонликдан қоч,
Оллохдан эзгулик сўраб кўлни оч,
Дуо олганлардан дуо ол, болам!

Дунё юзин кўрса чакалок,
Ок йўргакка уни ўраймиз.
Кулогига чакириб азон,
Худойимдан умр сўраймиз.

Кўз олдида ўсади равон,
Она сутин эмади тўйиб.
Сут-ла ривож топади иймон,
Хак меҳр-ла боқади суйиб.

Тетапоя килади аста,
Тилар чиқар; сўзлар пойма-пой.
Мактаб ёшга етганда эса,
Ок кўйлаги бераркан чирой.

Ок истаклар дилига туйиб,
Дилдан билим олар ёш юрак.
Келажакка кадамин кўйиб,
Ўсиб борар қалблар жонсарак.

Етукликнинг хужжатин олиб,

Дорилфунун чорлаган онлар.
Сувдек тиник ўйларга тўлиб,
Ок йўл тилар меҳри жаҳонлар.

Харир либос кийиб, килиб ноз,
Куёв билан келса келинчак.
Пойга ёзиб оппок пояндоз,
Ок фотиха хамроз этлажак...

...Хаёт давом этар. Ўтар кун,
Ок орзулар поклик дунёда.
Бокийликка сафар этганда,
Окка ўраб кузатарларкан.

Дўстларимга...

Букун бахтиёрман, қувончдан шу дам,
Каламим кўлимга тутказди хислар.
Калбларни хамиша этгувчи хуррам,
Дўстларим, доимо бор бўлингизлар.
Сизгадир завк-шавким, сизга баётим,
Топганим, умидим сизники бари.
Керак бўлса такдим этгум хаётим,
Сиз - тотли умримнинг дуру гавхару.
Ёлғиз эмаслигим бахтимдир бутун,
Сиз-ла бўлсам фориғ бўлгум гуноҳдан.
Тонг сахар дуога кўлим очган он,
Дилдан тинчлигингиз сўргум Оллоҳдан...

Куз...
Хазон япроқлар...
Булутли осмон...
Шамол хазонларни юзга уради.
Ўзини-ўзи ҳам тушунмай хайрон
Кайдадир бир инсон
Жим ўй суради.
Хаёли паришон
Кайфият тарок,
Гўё хотираси ўчиб кетмоқда...
Ширин умидлари бўлишиб йирок,
Бир-бир кушлар каби учиб кетмоқда...

Хазонрезги фасл баргларни тўкар,
Тўка олмайди у аммо дардларин...
Чангини енг билан артиб сўнг очар
Кайгудан саргайиб кетган дафтарин...
Вараклаб кўради...
Ёзувлар ўша,
Аммо калби унинг ўша-ўшамас,
Качонлар ишкидан тўлиб-тоша
Ўзи ёзганига сира ўхшамас...
Ха,
Эслади
Унда навбахор эди...
Ундан сўнг хаттоки ёз бўлди меҳмон.
Энди-чи, мавхумликка калин дўст бўлиб...
Жим хаёл сурмоқда ўйчан бир инсон

Куз...
Хазон япроқлар...
Булутли осмон...

Согинч...(туркум шеърлар)

Сени ўйлаётман...
Кайдадир сен хам,
Олис юлдузларга
Термуласан жим...
Кимнидир кутасан
Интикиб шу дам.
Мен хали билмаган,
Дилгир малагим.

Кичик бир нуктада,
Жамулжам хаёл...
Ўл караб чарчаган
Нигоҳинг гамгин.
Толиккан карашда
Сон мингта савол,
Ораста калбингга.
Бермаяпти тин.

Ичинг анор каби.
Кизилликка гарк,
Хар битта донаси –
Азобинг, дардинг.

Айт нега жим тилинг,
Сарвинози Шарк,
Бунчалик сабрни
Каердан олдинг?

Битмас матонат-у
Туганмас токат,
Ва жиндек табассум,
Кўзларингда жо.
Юрагинг аклингдан
Истайди шафкат,
Хар битта зарбаси –
Юзта илтижо.

Бас, етар!
Кийнокли дамларинг
Ортда,
Унутиб гамларни,
Шодон куламиз.
Эзгуликка тўла
Кўркам хаётда,
Албатта иккимиз
Бахтли бўламиз...

Согиниб, ўртаниб,
Энтикиб ёниб,
Сени ўйляяпман...

Ёлғиз тунларимда ухламай чиксам,
Тонгда куёш кутиб босса хаяжон.
Мехримни кўз ёшдан битталаб йиксам,
Юборгим келади Сизга онажон!

Дилимда гапларим тўпланиб колган,
Хеч кимга айтмаган сирларим бисёр.
Хаттоки юрагим уришдан толган,
У Сизга талпинар, мушфик онажон.

Бошимга кечалар ёстикар ботса,
Ишонган дўстларим сотсалар мени.
Саратонда ёшим киприкда котса,
Дардлашгим келади Сиз-ла , онажон.

Дунё ташвишидан тўлди бардошим,
Кўл силтаб барига, кетайми, дейман.

Тиззангизга кўйиб сўнг дардли бошим,
Ухлагим келади, мунис, онажон

Меҳрибон табассум кўзим ўнгида,
Ухласам кулоқда аллаларингиз.
Хар қачон дуоим бош-у сўнгида,
Албатта, Сиз борсиз, азиз онажон.

Қалбингиз мисоли бир оханрабо,
Ўзингиз кўкдаги порлаган куёш.
Овозингиз майин, сахарги сабо,
Жудаям согиндим, Сизни онажон.

Аввал тонг ўз кўркини пайсалга солиб,
Симириб олди-ку, томчи шабнамни.
Сўнгра куёш кўкдан буткул йўқолиб,
Мавхумликка ботиб, тирнар ярамни...

Кўзларим сўнётган юлдуз мисоли,
Ковжираб бормокда юрак томирим
Саробга айланди кўклам висоли,
Саратон бир жойда котиб колди жим...

Сочилган хаёлим тўпламай туриб,
Хушимга келишлик вақтин қутмасдан.
Хаётимга келдинг чакмоқдек уриб,
Ва... кетдинг бирорта сўзинг айтмасдан...

Охирги қарашинг эслаганда зум,
Умринг таквими тинмайин ёнди...
Тоглардек сервикор юксалган қалбим,
Мунгайиб...
муштумдек тош бўлиб колди

Букун кўнгил хижил, дардларим дунё,
Бошка севмасликка қилгандайман аҳд.
Қунлар ҳам зулматга қул бўлган гўё –
Ўзгага ёр бўлиб, кутаяпсан бахт.

Хакким йўқ бўлса-да тинч кўймайди рашк,
Дилимдан тилимга кўчади охим.
Етим бола мисол қолиб кетди ишк,

Айт менга, не эди менинг гунохим.

Кечалар уйкусиз, кундузлар нурсиз,
Бир сўзсиз, изхорсиз севганлигим рост.
Юрагимдан чукур колдирб бир из,
Факат ёнгинамда бўлмайсан холос.

Ўйинг билан яшаб, кун кўраяпман:
эрталаб ишга бор... кечкурун уйга.
Шу куйи бегона бўлиб боряпман,
Мухаббат аталган махзун туйгуга...

Ёлғиз одимлайман хаёт сўкмогин.
Ўтгану кетганлар карамайди бир.
Кетказа олмайди юракнинг догин.
Шундай экан такдир, шу экан такдир...

Дард - кўнглим тарк этмас хазин тарона,
У менга тутказди когозу калам.
Дардсизлик бўлмаган менга хамхона,
Дардим кўплигидан килмайман алам.

Алам - бедор тунлар битилган ашъор,
Алам - ишк куйида чекилган азоб.
У - наво битмасдан синиб колган тор,
У - махзун кунлардан аччик изтироб.

Изтироб - туйгулар нурсиз хонаси,
У сабаб яшаймиз, тирикдир шу жон.
У севгим биринчи очган шонаси,
Хам билак томирда уриб турган кон.

Мухаббат - юракка яширилган сир,
Хаётга гинам у, кўкларга додим.
Мухаббат - илинжим умрим бўйи бир,
Хам дардим, хам алам, хам изтиробим!

Ардоклаш калбларга берар харорат,
Илик кўнгилларда губор бўлмайди.
Бегубор юраклар ишкни этса жо,
Мангулик гунчаси абад сўлмайди.

Сени ўйинг билан
Ўтибди бир йил,
Тўрт фасл юмшатиб
Кўйибди дийдам.
Кунларим кетма-кет
Тугар бир зайл,
Жуда соғиняпман
Сени, азизам!

Хакким йўк, биламан,
Бундай дейишга,
Сенга ҳам керакдир
Хузур халоват.
Не килай, кўлларим
Бормаса ишга?
Тинчим эгаллаган
Афсус-надомат.

Сендайин тушунмас
Мени ҳеч инсон,
Иккинчи ўзимни
Тоғиб йўкотдим.
Бир жахон азобни
Ўзга олди жон,
Сўнг... жуфт йўл бошида
Тош каби котдим.

Бири эсдаликка
Кўмилган олам,
Унинг охирида
Гам-гусор касри.
Иккинчиси эса
Янги умидлар,
Ва янги ишқимнинг
Келажак асри.

Киши хотирадан
Кечолмас экан,
Чунки у дардларингни
Етар ифода.
Лекин хатоларим билиб,
Олиб тан,
Шу дамдан ўзимда
Топдим ирода.

Хаёт фалсафаси
Жуда мураккаб,
Мен мудом на гуллаб,
Ва на сўламан...
Бефафо дунёда
Кидириб вафо,
Кўрасан,
Сенсиз хам бахтли бўламан!

Яшашга умидим бормоқда ошиб,
Тугёнлар калбимдан чикишар тошиб.
Кимга талпинади бу юрак шошиб?
Нима у? Нахотки, кечиккан севги?

У ёкиб куйдирмас калб ила жонни,
Бийрон хам килмайди ожиз забонни.
Ларзага солмайди жумла жахонни,
Лек рухим банд этди кечиккан севги.

У тотли кўшиқ хам хазин куй-наво
Гулдурос бўрон-у, ёкимли сабо.
Боги Эрамданми келган бир садо?
Хаёт дарсига сал кечиккан севги...

У холи оламнинг гавголларидан,
Сув ичар истикбол дарёлларидан.
Дилдаги умидлар рўёлларидан,
Яралган эканми кечиккан севги?

Йўқ, севги кечиккан эмас аслида,
Эртарок дунёга келган мен ўзим...

Сенсизликка, мана ўрганиб колдим,
Сатрларим гувоҳ, айтади, сўра.
Когозу каламдан аламим олдим,
Тушкунлик бағрида ётгандан кўра.

Кадрдон кўчани ёлғиз кезаман,
Кара, ўзгармабди мағрур чинорлар.
Таниш шабаданнинг сасин сезаман
Сен ҳақда сўрайди сўнгсиз саволлар...

Кунлар ўтиб кетди биринма- кетин,
Хар куннинг ташвиши яккама дукка.
Энди висолингни хавас килмайман,
Кўникиб ҳам колдим эсламасликка.

Хафталар, ой, фасл, ўтсалар йиллар,
Битиб кетар экан ишкнинг яраси.
Енгиллик тортгандай бўлади диллар,
Вужудни забт этар ёшлик нафаси...

Умидларим тилаклардан зиёда,
Бу кун омад кулиб бокар йўлимдан.
Бахтлиман сен каби мен ҳам дунёда,
Сенсиз яшаш келар экан кўлимдан!!!

Сени эслайман-у, хўрсинаман жим,
Калбимда куз фасли ҳукм суради.
Хаётдан зериккан хассос юрагим,
Билмайман кайдан куч олиб уради.

Умид юлдузларим милтирар элас,
Юзим-чи, хазон барг каби заъфарон.
Сен билган мен энди асло мен эмас,
Сен билган кошона кўнгил ҳам вайрон.

Ўзимни бахтиёр кўрсатиб, кулиб,
Тушкунлик хиссидан кочсам-да йирок.
Дил аёзда колган гул каби сўлиб,
Киш томон тобора бўлар якинрок...

Кўнглим жуда совиб кетади баъзан,
Шунда мен аламим майдан оламан...
Гар шароб тугаса, билмайман холим,
Менимча, совукдан музлаб коламан...

Кетаман мангуга... исинмок учун

Биламан, дардларга тўлган гул калбинг,
Кимгадир ёрилмок истайди мудом.
Биламан, кимлардир билмади кадринг,
Халиям азобинг этмоқда давом...

Биламан... хаётга карайсан бефарк,
Ёлгиз фарзандинг чун яшаб юрибсан.
Кўзларинг кайгуга бўлишибди гарк,
Гарчи мардонавор кулиб турибсан.

Биламан, бу дунё сенга зимистон -
Шам ёкиб, ёритиб бўлмайди ичинг.
Зиё авваллари этганди макон
Энди йўқолибди юздан кулгичинг.

Биламан, хаммасин... мен нима деяй,
Бу - тақдир, бу – қисмат ва бу пешона.
Жажжи кизалогинг шўх табассуми,
Келажак бахтингдан эрур нишона.

Биламан... бир четда ўй сураман жим,
Кўзимда аралаш бўлар кун ва тун
Умримни беришга ҳам тайёр эдим -
Битта хўрсинишинг билмаслик учун

Канийди билмасам...

Мени “бевафо”, деб
Айблама, гулим,
“Меҳрингиз каттик”,-деб
Солма юзимга.
Тошга киёслама
тирик вужудим,
Тўр солма
хар куни босган изимга.

Ширин ўйларингни
Килма дастурхон,
Бу таом туюлар
Мисоли заққум.
Кўзларингга караб
Езилади жон,
Сен-ла кололмайман.
Йўқ бунга ҳаққим!

Виждоним йўл қўймас,
Калбим кийналар.
Дардим канчалигин
Билмайсан, гулим.
Пичоксиз сўйилар,

Тигсиз тирналар,
Ипсиз осилади
Нотавон дилим.

Бўлди.
Кетаяпман.
Умидингни уз!
Бир нарса тўсикдир
Пок ниятингга:
Кўксимда илк севгим
Яшайди хануз.
Мен лойик эмасман
Мухаббатингга.

Сени кутиб-кутиб чарчадим гоят,
Согинмасдан кўйдим висолингни хам.
Армонларни туйиб, мана, ниҳоят,
Такдирга тан бердим. Кўзларимда нам.

Кўзим эмас, менинг йиглайди калбим,
Юрак хам бир меъёр урмайди сира.
Сенга аён эмас сўнгсиз дардларим,
Билмасдинг эканинг хислар бокира.

Севгандим...Иложсиз ишкимдан кечдим,
Хаётга кизикиш йўколди тугал.
Севганим – гунохим, умидим – айбим,
Ноумид хаёллар бошимда чигал.

Сен бошка келмайсан – бу менга аён,
Сени эслаганда дардга тўламан.
Кун келиб сен мени кўмсаган чоғинг,
Хижрон азобида ўлган бўламан.

Киприкка тонг сахар бехос кўнган нам,
Юрагу бағримни тигсиз тиглайди...
Ажаб, ҳеч нарсадан топмайин малхам,

Кайдадир бир кўнгил унсиз йиглайди.

Йиглайди, йилларки ёлғизлигидан,
Атрофда ҳеч кимса бўлолмас далда.
Хатто ўз ўзини тушунмай колган,
Меҳрга жуда ҳам ташна маҳалда.

У сузиб кетади хаёл кўкида,
Кушга айланишни ўйлайди гоҳи.
Ёлгонга кўмилган дунё кўшкида,
Чин ишқин кидирар ўтли нигоҳи.

У кутар...
У ютар изтиробларин,
Азобин ёстикка тунлар сўзлайди.
Гарчи охларини эшитмаса-да,
Кўнгилчан ва дилкаш калбни излайди.

Излайди, ўзига яқин жуфт кўзни,
Сабрдан жон ясаб, бардошидан кон.
Ҳеч кимга айтмайди дилдаги сўзни.
Маюс карашидан кийналади жон.

Йўк, бундай карама, дилим ўртанар!
Дийдамни юмшатма, дийдоринг йирок.
Ичимда нимадир оловсиз ёнар,
Жудаям кийнади бу ўтли фирок

Не килай, тушда ҳам сени йўкласам?
Дардинг ҳам ўзиман, кувончинг ўзим.
Қўрасан, қачондир, худо хохласа,
Йиглаган кўнглингдан топаман тўзим

Нега кайгуларга берасан имкон?
Нега кўз ёшларинг асло тинмайди?
Гурбат дунёсини этибсан макон,
Калбинг умид хиссин асло билмайди?

Рухингни чўқтирма, бос олга кадам,
Дунё гўзаллиги – калбингга далда.
Гамлардан кувонч-ла олгин сен алам,
Ва хаёт бошлагин айни шу дамда...

Мен эса...

Билмайман кайда бахтсизлик,
Бахт билан чегара жойда туради.
Тушунмам калбимни хатто ўзим ҳам
Нима у, кўксимда доим уради???

Бахор гулларидек тўкилиб кетдим,
Куёш нурларидан ковжирар танам,
Оёк ости бўлдим... жизганак бўлдим,
Лек калбда битта хис, кўзда эса нам...
Сени согиндим...

Хар кеча хижроннинг янги бир йили,
Охири йўкдаин тотли азобим.
Кийналиблар кетдим...
Бу умр йўли - Шундаймикин-а,
Айтгин,
офтобим?
Сени согиндим...

Хаёлим юради тунда тентираб..
Туби йўк кўчанинг чикар бошига.
Бакириб, чакириб, сизлаб, сенсираб...
Пойингни кидирар, излар, ошикар...
Сенга.

Неча ойдан бери дардли изтироб,
дастидан бир зумга калбим тинчимас
Атрофда одамлар –
хаммаси сароб...
Кара, уларнимас, бошқаларнимас -
Сени согиндим...

Чидайман... умидим висол лахзаси,
Юрагим осмоннинг энидан ҳам кенг,
Балки шудир асли ишқнинг лахжаси
Ажаб...галати...
Сен мени эмас,
мен -
Сени согиндим....
Жуда согиндим...

Сени кутиб-кутиб чарчадим гоят,

Согинмасдан кўйдим висолингни хам.
Армонларни туйиб, мана, ниҳоят,
Такдирга тан бердим. Кўзларимда нам.

Кўзим эмас, менинг йиглайди калбим,
Юрак хам бир меъёр урмайди сира.
Сенга аён эмас сўнгсиз дардларим,
Билмасдинг эканинг хислар бокира.

Севгандим...Иложсиз ишкимдан кечдим,
Хаётга кизикиш йўколди тугал.
Севганим – гунохим, умидим – айбим,
Ноумид хаёллар бошимда чигал.

Сен бошка келмайсан – бу менга аён,
Сени эслаганда дардга тўламан.
Кун келиб сен мени кўмсаган чоғинг,
Хижрон азобида ўлган бўламан.

Гохи ўйлаб, чарчаб кетаман,
Хотиралар билмас охирин ...
Не ажабки дилдан кутганда
Калбим менга ёрмайди сириш...

Ўйларимдан толган юрагим,
Хеч нарсадан топмайди тўзим...
Имкон бўлса сен хакингдаги,
Хаёлимни ўчирар эдим..

Нечун, жоним, кўзларингда нам?
Нечун йиллар кийнадинг ўзинг?
Дардларингни кўрамиз бахам,
Хакикатдан юмагин кўзинг.

Канча кутдим гохида чидаб,
Гохи сендан килиб андиша.
Мажбур бўлдим ўзимни алдаб,
Яшаб юрдим кулиб хамиша.

Калбим-чи, у йиглар эди жим,
Кайгуларин этмасди ошкор.
Факат розинг кутди юрагим,

Кадамингга бўлиб интизор.

Кўзларингни яширма мендан,
Сўзинг тинглаб, караб тўймайман.
Меникисан. Энди ҳеч қачон,
Ҳеч қимсага бериб қўймайман.

Сир

Мен Сизга изхорим этмайман ошкор,
Юрак-юрагимдан кулмайман ортик.
Дунё юзин кўрмас беҳисоб ашъор.
Кучок гуллар бошка қилмайман тортик.

Тушларим бугундан сизники эмас,
Тўлин ой кечалар келтирмас илхом.
Кўзингиз сеҳрига қилмайман хавас,
Самимий сўзингиз этолмайди ром.

Махлиё бўлмайман хуснингизга ҳам,
Майли Сиз дунёда якка-ягона.
Дардингизга хатто қўймайман малхам
Шу кундан бизлармиз буткул бегона.

Сабаби айтмайман...сўраманг асло,
Хиссиз кўнглингизги қийнаб нетаман?
Оллохим билгувчи бу сирни танхо,
Ўзим-ла қабрга олиб кетаман...

**

Ошиқсан?
Нахот тушунасан севги қаломин?
Қалбинг муҳаббатга бўлмиш ошино?
Музлик дунёсини тарқ этиб бугун,
Сўзлайсан бевафо эканин дунё?

Кечирим сўрамам – қалбим покиза,
Севганим эмас-ку, ахир гунохим.
Воз кечиб ишкингдан, меҳрибонгинам,
Бошқадан топгумми энди панохим?

...Севиш, севилишдан бўлганман махрум,
Билмам...недан юрак ишққа совуккон?
Шеъримда уни мен этиб тараннум,
Аслида бегона яшайман, хайрон....

...Хаётим бугунин сўзладим, мана,
Эртасин куришини ўйлайман махзун,
Ишкнинг китобини оламан яна,
Яна мен Фарходман...Яна мен Мажнун!

Яна киш...яна кор...яна изгирин,
Дарахтлар ўй сурган маюс келинчак.
Куёш хам эриниб сочади нурун,
Гўё ёругликни қарз берган фалак.

...Хеч ким тушунмайди калбим тилини,
Баъзида ўзим хам коламан хайрон.
Кўлдамас белгилаш тақдир йўлини,
Бугун гуллаб турса, эртага вайрон.

Кўнглим бузилган уй, хароба мисол.
Хеч ким йўламайди... Хувиллаб қолган...
Гохи ўз-ўзимга бераман савол:
“Нимадир хаётим бу куйга қолган?”

Билмам нима истар бу мўъжаз юрак,
Кимга у сабрсиз талпинар тинмай.
Ёлғизлик хиссидан ёки бу дарак,
Унум йўқ қунимда, нима иш қилмай.

Балки “согиниш”, деб аташар буни,
Ёр васли шу кеча хаёлим олди.
Соғиниб, энтиқиб қунию туни,
Танам хам юракка айланиб қолди.

Бинойидек юриш-туриши,
Сухбати хам сермазмун жуда.
Гохи мафтун қилар қулиши,
Ром этади хатто уйкуда.
Киприқларин ёйи қалбингиз
Тўғри нишон олади бехос.
Кўнгли, - дейсиз - қаттақон денгиз,
Дарёсидан қуйилади ноз.
Қоқиллари мисли мажнунтол,
Куёш янглиг табассумлари.
Сўзидан чак-чак томади бол,
Гул баргида шабнам сингари.

Рўмолини кўймас бошидан,
Узун кўйлак коматин безар.
Ўсма кўйиб етти ёшидан,
Буюк санъат асарин чизар.
Култум сув-ла ютаман дейсиз,
Бунча гўзал бўлмаса, Худо!
Факат битта айби бор, эсиз...
Унга юрак этмаган ато!

Ботинни кўриклар метин зохириг,
Зохириг оламини олмаяпти тан.
Нима, сен аслида жумбокмисан, айт?
Калбинг яралганми сир-синоатдан?

Кўзларинг ортига яширинган мунг,
Гох дилинг ошкора этмокликка шай.
Иста, дардларингни ўзимга олиб,
Сенинг азобинг-ла ёнма-ён яшай.

Э, вох, яшашимга берганди изн,
Калбимни яратдинг бунча таъсирли?
Бир савол кийнайди тугилганимдан:
Аёл мухаббати бунча хам сирли?

Кизга фарки йўқдек кетяпти кулиб,
Йигит ваъда берди унутишликка.
Ўртада мухаббат кадди букилиб,
Тақдирнинг кўзига бокмоқда тикка.
Чой тўкилган коғоз каби заъфарон,
Юзлари бир кунда тўлди хасратга.
Кай тараф кетишни билолмай хайрон,
Висолни кузатмоқ бўлди рихлатга.
Энди факат ундан килишар гина,
Энг катта гунохкор бўлиб колди-ку?
Ох, бечора севги, бечорагина,
Аросатда колиб сўлиб колди-ку?
Сўлма, парваришлай, сен айбдормас,
Кўрасан барчаси тушади изга.
Факат рахмим келар сени тушунмай
Яшаган йигитга, бевафо кизга...

Ошиклик кўнгилда, зохирда тилсим -
Кандайин сирларга калбинг ўралган?
Гунча лаб сўз жуфтлаб очилади ним,
Менимча, дилинг хам гулдан яралган...

Шабнам томчисига интикиб сахар,
Кутмоклик ишкида яшайди гунча.
Умид-чи гулзорда тинмайин кезар,
Бахти топилгунча - гул очилгунча.

Хар битта гул барги - орзунгми сенинг?
Хар битта тиконинг - ишванг, нозингми?
Муаттар исларинг пиёласиз май -
Ё богда таратган шўх овозингми?

Бунча чиройлисан – нафис капалак,
Бир зумда инсоннинг аклин оласан...
Факат битта тилак - факат бир истак:
Музга талпинмагин - музлаб коласан!

Кайтгим келар болалигимга,
Сой сувидек бегубор, тоза.
Чанг кўчада югуриб, елиб,
Бахтим этар эдим овоза.
Дўстим билан ўйнардик чиллак,
Зув-зув, дея, кулишиб, яйраб
Гох адирда учириб варрак,
Гохи кушдай чугурлаб, сайраб.
Боглар аро айлардик “сафар”,
Меваларга тўлдириб кўйин.
Богбон билса, кувса Олапар,
Бизлар у –ла ўйнардик ўйин.
Зовурларда балик тутардик,
Капалакдан килардим тўплам.
Тол шохидан от ясаб дик-дик,
Тулпор мисол босардик кадам.
Эрта тонгдан намозшом кадар,
Онажоним кидирар кўча.
Кенг даладан топиб мен “тўзим”,
Югурардим холдан тойгунча.
Ёмгирларда обдон чўмилиб,
Усти-бошим хўлу шалоббо.
Гох чаманда гулга кўмилиб,
Бошлар эдим яна бир гавго.

Суяр эдим хар бир япрокни,
Ялпиз хиди этар эди маст.
Сезмасдим мен чангу тупрокни...
Катталарга килардим хавас.
...Йиллар ўтди, хотира –тарих,
Хаёт ўтар кайтмайди ортга.
Энди билдим, калблар бегубор,
Энди дилим кўмсар болалик...

Агар мухаббатни сувга киёс килсак, эркак мухаббати дарёга ўхшайди... канча ердан окиб ўтмасин борар жойи денгиз... Аёл мухаббати эса тубсиз денгизга ўхшайди... У дарёдан сув олса-да, ўзининг канча сув олишини дарёга билдирмайди... Туб-тубида сон-саноксиз марварид ва дурларни саклайди... Уларни шўнгиб кириб, юкорига чикариш учун дарё сувининг шашти етармикин, валлоху аълам...

Дунё синоатдан яралгани рост
Уларни тушуниб бош эгамиз жим...
Факат биттасига йўк жавоб холос,
Факат битта сирни билолмас хеч ким:
Калбларни кийнаган - нимадир оти?
У, шаксиз, аёлнинг пок мухаббати

Дунё гўзалликдан яралган - бешак,
Калбларга хаяжон солажак хам у.
Баъзан беъхтиёр кўзга ёш олсак,
Киприк тўйинтирган бекарор нам - у
Нима ўртантирар ёш-карини тенг?
У, шаксиз, аёлнинг пок мухаббати.

Дунё яралганми, сабрданми ё?
Каноат асабга ягона малхам.
Бардош кўнгилларга бахш этар зиё,
У сабаб калбларда акс этмайди гаъм...
Лекин коинотда энг катта сабр -
Бу, шаксиз, аёлнинг пок мухаббати

"Дунё шафкат устин этгандир макон",
Деса хам кимлардир, этмам эътироз.
Аслида меҳрга ташна хар инсон,

Мурувват нури-да чин одамга хос.
Оллохнинг башарга битта шафкати:
Бу шаксиз аёлнинг пок мухаббати.

Хаккинг бор, Лайлидек ошик бўлишга,
Шириндек бўлиш ҳам ўз ихтиёринг.
Яшнаса яшнашга, сўлса сўлишга,
Ўлса ҳам ўлишга, бекарор ёринг!

Мен эса... билмадим, лойикманмикин
Мажнундек куйгани, ишкинга беун?
Фарход ҳам чикмайди мендан... Гапим чин,
Чунки калбим кашшок, юрагим юпун!

Тун...
бунда рутубат...
Атроф зим-зиё,
кўкда булут тўсган ой-юлдуз йирок..
Бир кичик умидни этади рўё
узокдан милтираб бир ажиб чирок....

У – дилим севинчи, меҳр куёши,
кўнглим ҳам у сабаб топади тиним...
У дардли оламнинг мунгли кўз ёши,
ва сирли оламим: сиртим, ботиним...

Хаётим чикмокда зулматни енгиб,
галати хислардан порлайди кўзим.
Мангу осмонларни нурафшон этиб,
Бўл менинг порлаган ёркин юлдузим...

Кимнидир ўйлайман. Хаёллар тубсиз
Жарликлар уммонин силсиласида,
Тинмай чарх уради излаб тоғлардан,
Тополмай ноумид берар акс садо.

Кимгадир юракдан ёзилиб, кувнаб,
Сухбат курмокликни насиб этсайди.
Сўнг майли, рухимни айириб тандан,
Мангу оламга-да олиб кетсайди.

Кимдандир умидвор бу калбга нахот,
Топилмас заррача юпанч каломи?
Ўтинч бўлолмасми тоабд менга
Бегубор кўнгиллар алик-саломи?

Кимнингдир юраги балки менингдек,
Бир огиз ширин сўз, сухбатга зордир.
Бир зум бир нуктадан кўз олмай, жимжит,
Мени хам ўйлаган инсонлар бордир.

Мен уни кутганман, хамон кутаман,
Канча умрим бўлса шунча чидагум.
Хаётим сўкмогин дадил ўтаман,
Розини айтгунча мургак юрагим.

Танишув...
Сухбатлар...
Кўникиш...
Кутиш...
Мухаббат...
Чин изхор...
Синовлар...
Хижрон...
Аламлар...
Кийноклар...
Хатто, кон ютиш...
Сўнг, кечирим???
Айт, сўзларинг эканинг ёлгон!!!
“Ёлгон”, де,
Бехуда тўкилган ёшинг!
Ишонтир,
Юрагинг безовта эмас!
Азобдан нахотки
Окарди сочинг?!
Нега бу икки кўз
Хеч нарса демас?
Сўйла,
Ишкимизга нелар бўлди гов?
Вактми ёки сабаб
Иккиланишга?
Сенсизлик юракка
Ёқади олов,
Чидайман:
Тишимни кўяман тишга...

...Сени деб дунёда
Ўтаман танхо.
Ёнингда фирокда
Яшамокдаман.
Кўзимга коронгу
Кўринар дунё,
Зиёни кидирар
Рухим покдамон...

Хеч узр сўрама
Кетиш олдидан
Кечириб бўлганман
Севиб колган чоғ!!!

Юрагим тубидан хайкирар нидо,
Тугёнлар калбимга беролмай бардош.
Бакириб сўзласам чикмайди садо,
Гўзалим, согиндим, сени жуда хам.

Не килай? Дилимга килолмам амр.
Умрбод айрилиқ биз учун, нахот...
Борлигим, вужудим рухимсан ахир,
Согинчни яшириб бўларми, хайхот.

Соғиниб яшайман, сени хар нафас.
Соғиниб, охири кетгум дунёдан.
Севгимиз хотирин саклаб мукаддас,
Висолинг топгум-ми арши-аълодан.

Сенинг номинг билан тирикман факат,
Согинчим, асалим, шеърим , газалим.
Сен мен чун умидсан, абад-ул абад,
Калбимнинг эгаси-эрка гўзалим.

Дилимда тасвирлаб бўлмас бир сурур,
Ўзгача завқ берар олган нафасим.
Зухро юлдуз мисол таратгувчи нур
Табассум юзларга келар хавасим.

Борлик гўзаллигин атрофга сочган,
Ифорлар келтириб эсади насим.
Хаёлим ўгирлаб ойларга кочган,
Зулфинг торларига келар хавасим.

Ўйланиб коламан...Гоҳ ўйим рўё,
Гохида нуктага тикиламан жим.
Хаётдан миннатдор, ҳам меҳридарё,
Калби бутунларга келар хавасим.

Юрагим орзикиб, ўртанар жоним,
Кувончли кунларим ёдга солиб зум...
Бу ёруг оламда ҳеч йўқ армони,
Бахтли инсонларга келар хавасим.

Юзландим неча бор минг турли кўзга,
Зор бўлдим бир огиз дармонли сўзга,
Хар эрдан изладим, топмадим ўзга,
Сенинг кўзларингга келар хавасим...

Сизни билиш менга кутилмаган бахт,
Сиз билан учрашиш - буюк тасодиф.
Шу кундан калбимда килиб кўйдим аҳд,
Ўшал тасодифни кутавераман.

Майли, фаслларга бокмайман асло,
Йилларни кадамлаб ўтавераман.
Бир максад доимо дилимга ошно:
Канча керак бўлса, кутавераман.

Кўз тикиб, интикиб, йўлингиз пойлаб,
Дардларимни ичга ютавераман.
Хар бир учрашувни хафталаб, ойлаб,
Орзикиб, энтикиб, кутавераман.

Хижрон азоблари кийнайди дилни,
Согинч уммонига ботавераман.
Мен учун яралган бегубор гулни,
Бир умр кутаман, кутавераман.

Мингта бўлмади-ку тасодиф, жоним,
Сиз ҳам ягонасиз, мен ҳам биттаман.
Хаётим мазмуни, жумла-жахоним,
Исмингиз тилимда туттавераман,
Ёниб, васлингизни кутавераман.

Кутяпман...

Факатки, вақт кутмас экан,
Йиллар армонимга кўшади армон.
Хаёт махзунлигин олмаса-да тан,
Кўникиб бормоқда бу хисларга жон...

Кутяпман кимнидир, интикканча, жим...
Узокка термулиб, тун ўтар бедор.
Хеч ким тушунмаган дилдаги дардим,
Айтолмай юрагим йигляпти зор...

Кутяпман, шу хаёл хеч этмайди тарк,
эрталаб ишга бор, кечкурун уйга...
Умрим ҳам куздаги мисли хазон барг,
Ўрганиб бормоқда тушкун туйгуга.

Кутяпман... Кутганман... кутаман яна,
Кўникиб ҳам колдим кун ўтган сайин...
Соғиниб, энтикиб калбим ўртана
Шу зайл дунёдан ўтмогим тайин...

Маили, кулаверинг туйгуларимдан,
Мажнунга чиқаринг номим майлига.
Мен эса хеч кимга билдирмай зимдан,
Бош эгиб яшайман калбим амрига.

Олган нафасимда шукрона айтиб,
Шу оппок кун учун ёд этиб Хакни.
Хар тонг умид ила кайта ва кайта,
Янгидан очаман оппок варақни.

Тирикман, илинж-ла яшайвераман,
Бахор гулларига бўлиб махлиё.
Кўрасиз, бу хислар гуллайди чаман,
Туйгулар жўш урар мисоли дарё.

Яратган берган нур – йўлимда маёк,
Бахш этган гайрати – ёркин машъалам.
Кўнглимда имоним тутиб ки байрок,
Бир зумга бўлса-да тортмайман алам

(Яна хайрон бўлманг, бошкалар шеърим
Галати чикди, - деб хандон кулсалар.
Тўгри-да, ишк нима каёқдан билсин,
Завкнинг нималигин билмас кимсалар.)

Афсус надоматдан йўк энди зарра,
Изтироб, гамларни кўмдим тупрокка.
Дарду азобимнинг устидан чизиб,
Колган хаётимни кўчирдим окка

Энди ишонч билан, нафосат билан,
Дилимда куёшдек харорат билан,
Юракда эхтирос, тароват билан,
Олдинга кадамим ташлайвераман...
Мен барибир шодон яшайвераман.

Майли кулаверинг...

У кизда юрак хам асли бўлмаган...
Йигит эса билмас ишкнинг отини...
Гўзалликни шам деб кўрган парвона,
Кайдан хам биларди гулнинг тотини?

Уларга мухаббат керакмас асли,
Бир-бирининг устидан турар кулишиб...
Нургамас, оловга талпиниб охир,
Худди парвонадек колар куйишиб...

Бинойидек юриш-туриши,
Сухбати хам сермазмун жуда.
Гохи мафтун килар кулиши,
Ром этади хатто уйкуда.
Киприкларин ёйи калбингиз
Тўғри нишон олади бехос.
Кўнгли, - дейсиз - катта бир денгиз,
Дарёсидан куйилади ноз.
Кокиллари мисли мажнунтол,
Куёш янглиг табассумлари.
Сўзидан чак-чак томади бол,
Гул баргида шабнам сингари.
Рўмолини кўймас бошидан,
Узун кўйлак коматин безар.
Ўсма кўйиб етти ёшидан,
Буюк санъат асарин чизар.
Култум сув-ла ютаман дейсиз,
Бунча гўзал бўлмаса, Худо!
Факат битта айби бор, эсиз...

Унга юрак этмаган ато!

Бугун Сени кўрдим баногох,
Шул он юрак тўхтади зумга...
Мунгга тўла эканми нигоҳ?
Ўтиб кетдинг бокмай кўзимга...

Ўн йил ортга кайтгандай хаёт.
Кийнар калбни эски дардларим.
Айт-чи ростин, этмайсанми ёд,
Йўкотганинг ёшлик дафтарим?

Кайда колди шод, хазилкаш киз?
Кани ўша шўхчан табассум?
Каён учди порлаган юлдуз?
Кани ўша карашлар-маъсум?

Жиз этди-ю, ичимдан бир тор,
Хушим йигмасимдан узилди...
Онда этиб дилимни абгор,
Кўнгилгинам ёмон бузилди...

Бугун Сени кўрдим баногох,
Тўхтатгани топмам токатим...
Бошка сафар учрармисан ё,
Кўришмасмиз, илк мухаббатим?

Согинмаган дилда мухаббат кани?
Согиниш – кўнгиллар боғловчи ришта.
Не афсус яшайди хис килмай буни,
Беҳиштда беармон юрган фаришта.

Бошни чулгаб олар хаёллар,
Ўйлашимга бермайин имкон.
Чалкаш шохлар каби саволлар,
Сочларимни этибди макон.

Кайга кетдинг? Нима киялпсан?
Кай ахволда экансан хозир?
Кайси богда хандон кулялпсан?

Ёки кимга айтаяпсан сир?

Качон куёш бўлиб улгурдинг?
Кандай чикдинг калбим тўрига?
Сен кандайин сўкмоқда юрдинг?
Зор этдинг-ку шамсинг нурига.

Кимларгадир тикилиб зимдан,
Каерлардан излайсан панох?
Ё тўйдингми тергашларимдан?
Кидиришим санама гунох.

Баъзан шундай киликларим бор,
Ранжимагин сўрок-сўзимдан.
Чунки севгум жонимдан бисёр,
Рашк киламан хатто ўзимдан!

Минг турли хаёлга бормангиз эркам,
Мен Сизни жудаям яхши кўраман.
Хадя дастрўмол-чи, жудаям кўркам,
Доимо кўксимда олиб юраман.

Шу кичик совгага бори меҳрингиз,
Багишлаб, сўнг кейин тикканмидингиз?
Четига сув мисол жило беридсиз,
Ё ипга кўз ёши тўкканмидингиз?

Ёки араз килиб, менга айтмай сўз,
Бу ажиб матога ёрдингиз кўнгил?
Ёки кувончданми намланиб жуфт кўз,
Рўмолча бахона ором олди дил ?

Унга тўлдирибсиз юрак тасвирин,
Калбингиз ташнами, меҳрга шунча?
Айтингиз яширин ишкингиз сирин,
Гулзорда очилмай сўлмасин гунча...

Шубхалар ўринсиз, тергашлар бекор,
Кез келди изхорим айтайин юзга.
Сўнг кўшиб мана шу дастрўмол турган,
Чап кўксим бутунлай берайин Сизга!

Калбимни дастурхон этдим ёнингга,
Хаётим айладим пойга пояндоз.
Баъзан хазилларим тегар жонингга,
Баъзида сўзимга бўларсан хамроз...

Гохи устозимсан, калб – меҳрирадё,
Гохда-чи гапимга кирмас шогирдсан.
Дилинг хам рўмолга оръанган,
Гўё
Хеч ким тусунмаган бир ажиб сирсан...

Кимнинг калб ашъори кимларга таниш,
Ахир шеър бўптими кўнгил тўлмаса?
Нахотки мумкиндир оловсиз ёниш?
Сирларинг бунчалар каттик бўлмаса?

Очил...
Бахор ахир, кўрмаяпсанми?
Кейин мендан килиб юрмагин гина
Ягона тилагим, ёлгиз тилагим:
Хисларинг музлатиб кўйма кизгина!

Такдирингдан бугун кетаман абад,
Бошка йўлга буткул бўлгум равона.
Юрак хисларига этмай итоат,
Шу кундан мен сенга тамом бегона.

Ха! Севаман. Буни этмайман инкор,
Бехуда эмасди кўнгил изхорим.
Шубхалар хаммаси, хаммаси бекор,
Сабаби бу эмас катъий карорим.

Бугун тушундим мен такдир хазилин,
Бугун менга аён зим-зиё сирлар,
Бугун билдим тенгинг эмаслигимни,
Бугун кўз ёшларинг калбимни тирнар.

Йўк! "Такдир" аталмиш мухташам сарой,
Бизлар иккимиз чун кўтармаган кад.

Бахор ҳам шунчалар берса-да чирой,
Бирга кўролмайдим бизларни факат.

Уз сўрамайман кетиш олдидан,
Чунки севиш, ахир, эмас-ку гуноҳ,
Бош олиб бу ердан, сенинг васлингдан,
Каердан, билмайман, топаман паноҳ?!

Хўп, майли, уз энди севгинг риштасин,
"Ўз бахтинг топгин", -деб киламан нидо.
Ягона тилагим: Кайгу нелигин,
Билмасдан яшагин.
Хайр! Алвидо!!!

Мен сени бахтиёр кўрмоқ истайман,
Кувончдан кулишинг, яйрашинг чиндан.
Кўнглимда барини бермоқ истайман,
Эзгу ниятларим айтиб кунгилдан.

Мусаффо осмоннинг мовий рангини,
Ва туннинг малаги ойнинг - янгини,
Тоглар шалоласин шўх жарангини,
Сенда мужассамлигин туймоқ истайман.

Кўнгил кўчаларим, йўлим шахримни,
Багишлаб дилимда бори сеҳримни,
Бир ака берганча бериб меҳримни,
Ўзимнинг синглимдек суймоқ истайман.

Хаётнинг мушкулин енгиб ҳамнафас,
Ноумид ўйларга кўйиб мен кафас,
Бахтли инсонларга килиб чин хавас,
Сен бирла бир йўлдан юрмоқ истайман.

Доимо маст бўлиб бахт суруридан,
Ажратиб жой сенга юрак тўридан,
Кўёшнинг энг азиз, ёркин нуридан,
Калбингда жаннатни курмоқ истайман.

Мен Сени бахтиёр кўрмоқ истайман...

Хар тонг куёш уфқдан чикиб,

Нур улашса олам кулади.
Термуламан унга интикиб -
Сизни жуда кўргим келади.
Согинаман...хўрсиниб бесас,
Чарх уради бошда минг савол.
Гох чакириб тушда уйгонсам,
Илинжимни учирам шамол.
Уйку келмас сахаргача то,
Хонам зулмат... чирок ёкмайман.
Асаблар ҳам бўлгандир адо.
Энди бир зум мишра кокмайман.
Пешонамни кўлимга тираб,
Тунда узок ўтираман жим.
Кайлардадир унсиз тентираб
Талпинади Сизга юрагим.
Маили менга битта сўз айтманг,
Имо килманг хатто кўз билан.
Хеч бўлмаса бегоналардек,
Дийдорлашгим келар Сиз билан.

Бошим олиб дуч келган ёкка,
(Ўзим билмам хатто каёкка),
Хуллас кетмокчийдим узокка,
Кўзингизни кўзим киймади.

Мудраб колган калбим уйготган,
Йиллар юрак тубида ётган,
“Согиндим”, деб охиста айтган,
Сўзингизни кўзим киймади.

Хаёлимдан кетмайсиз нари,
Факат орзу бўлмасин бари,
Кўз тикканим канчадан бери -
Изингизни кўзим киймади,

Изтироблар тўла оламда,
Хижрон жуда кийнаган дамда...
Кулиб турган кўнглингиз ҳамда
Юзингизни кўзим киймади.

Корачикда умрим мужассам -
Кўзингизни кўзим киймади...

Калбим вужудимга тутмайди кулок,
Вужуд эса кузнинг мудрок парчаси.
Совук тун ёлгизлик хиссидан сабок,
Елвизак хаёллар чикиш дарчаси.

Ўйларим юлдузлар кўйнида хоргин,
Зулмат дарпардаси тўсган кўзимни.
Ёруглик, канисан, мен билан юргин.
Келмасанг унутгум буткул ўзимни.

Ярк этган нур - йўлим ёрутгувчи шам,
Рутубат зулмидан хаста юрагим.
Мухаббатга ташна киприкларда нам,
Гўёки ҳеч кимга йўқдир керагим...

Васлингни кутгандим асрлар, йиллар,
Азобу кийноқлар одатий ишим.
Чидаму бардошдан супурги кўллар,
Сенинг нафасингдан иборат хушим.

Коронгулик ичра машъала бўлиб,
Ўтли нигохларинг минг куйга солди.
Ва кейин танам ҳам нурларга тўлиб,
Умрим ҳам куёшга айланиб колди

